
ДОЛЗАРБ МАСАЛА МУҲОКАМАДА

Бугун туман ҳокимлиги катта мажлислар залида халқ депутатлари Фарғона тумани кенгашининг навбатдаги XII-сессияси бўлиб ўтди. Сессияда туманда карантин тартиблари босқичма-босқич юмшатиб борилиши муносабати билан фуқаролар санитария талабларига қатъий риоя этишлари зарурлиги, карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда яшаш ва меҳнат қилиш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш ҳамда тўғри овқатланиш, аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдамнинг ўз вақтида ва сифатли кўрсатилишини ташкил этиш масалалари юзасидан Фарғона тумани Давлат санитария эпидемиология осойишталик маркази бош врачлари Хожиқурбонов Равшанбек Алишеровичнинг “Аҳолига муурожаати” тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Кун тартибидаги масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгаши депутати Топиболди Холдаров, туман Кенгаши депутатлари Озодахон Дадажонова, Баҳодиржон Норматов, Ортиқали Мадумаров ва бошқалар сўзга чиқдилар. Сессияда кўриб чиқилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Фарғона тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2020-08-18 15:14:46